

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Yu.22.01  
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХАЙДАРОВ ШУХРАТЖОН ДЖУМАЕВИЧ**

**КАСБ ЮЗАСИДАН ЎЗ ВАЗИФАЛАРИНИ ЛОЗИМ ДАРАЖАДА  
БАЖАРМАСЛИК: ЖИНОЯТ-ҲУҚУҚИЙ ВА КРИМИНОЛОГИК  
ЖИҲАТЛАРИ**

12.00.08 – Жиноят ҳуқуқи, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш.  
Криминология. Жиноят-ижроия ҳуқуқи

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Content of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD)**

**Хайдаров Шухратжон Джумаевич**

Касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик: жиноят-  
хукукий ва криминологик жиҳатлари.....3

**Хайдаров Шухратжон Джумаевич**

Ненадлежащее исполнение своих профессиональных обязанностей:  
уголовно-правовые и криминологические аспекты .....23

**Khaydarov Shukhratjon Djumayevich**

Non fulfillment of professional duties: criminal-legal and criminological  
aspects.....43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works.....47

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Yu.22.01  
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХАЙДАРОВ ШУХРАТЖОН ДЖУМАЕВИЧ**

**КАСБ ЮЗАСИДАН ЎЗ ВАЗИФАЛАРИНИ ЛОЗИМ ДАРАЖАДА  
БАЖАРМАСЛИК: ЖИНОЯТ-ҲУҚУҚИЙ ВА КРИМИНОЛОГИК  
ЖИҲАТЛАРИ**

12.00.08 – Жиноят ҳуқуқи, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш.  
Криминология. Жиноят-ижроия ҳуқуқи

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

**Фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.3.PhD/Үу313 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат юридик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.tsul.uz](http://www.tsul.uz)) ва «ZiyoNET» Ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Неъматов Жасур Аминжонович</b> юридик фанлар доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Кабулов Рустам</b> юридик фанлар доктори, профессор <b>Очилов Хасан Рашидович</b> юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги</b> <b>ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш</b> <b>маркази</b>

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Үу22.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «19» декабрь куни соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент ш., Сайилгоҳ кўчаси, 35. Тел.: (99871) 233-66-36; факс: (99871) 233-37-48; e-mail:info@tsul.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат юридик университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (886-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, А.Темур кўчаси, 13. Тел.: (99871) 233-66-36).

Диссертация автореферати 2019 йил «5» декабрда тарқатилди.

(2019 йил «5» декабрдаги «8» рақамли реестр баённомаси).

**Н.С.Салаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор в.б.

**Б.Т.Мусаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

**Г.З. Тулаганова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

## Кириш (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда инсон ҳаёти ва соғлиғини жиноят қонуни ёрдамида муҳофаза қилиш муҳим ижтимоий-ҳуқуқий масалалардан бири саналади. Бутунжаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, «жаҳонда беморларнинг 23 % га тиббий ёрдам кўрсатилмаган ёки лозим даражада кўрсатилмаган, 0,7 % ҳолатда эса малакасиз тиббий аралашув оқибатида уларнинг ҳаётига хавф солиниб, вафот этган»<sup>1</sup>. Ҳар йили ўртача «АҚШда 100 минг, Буюк Британияда 70 минг, Италияда 50 минг, Германияда 25 минг, Австралияда 18 минг, Венгрияда 10 минг киши тиббиёт ходимларининг ўз вазифаларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги оқибатида вафот этади»<sup>2</sup>. Шу нуқтаи назардан касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик инсон ҳаёти ва соғлиғига хавф соладиган ижтимоий хавфли қилмиш сифатида баҳоланиб, ушбу мавзуда тадқиқот олиб бориш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Жаҳонда касб юзасидан вазифаларини бажармаслик, уни жиноий-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатдан ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хос йўналишларини аниқлаш асосида мазкур соҳани такомиллаштириш, миллий қонунчилиқни халқаро стандартларга мослаштириш ва бу борада давлатлараро ҳамкорликни кучайтириш тенденцияси кузатишмоқда, жумладан, касб юзасидан вазифаларини бажармаслик жиноятини содир этган шахснинг криминологик тавсифини ишлаб чиқиш, касб билан боғлиқ жиноятларни профилактика қилиш, касб юзасидан вазифаларни бажаришда инсон ҳаётига ёки соғлиғига зарар етказилишини олдини олишнинг самарали чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, мазкур турдаги жиноятларни содир этишда айбдор бўлган шахсларга адолатли жазо тайинлаш амалиётини илмий-ҳуқуқий ўрганиш юзасидан тадқиқотлар ўтказишга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Мустақиллик йилларида республикамизда инсон ҳаёти ва соғлиғини ишончли муҳофаза қилиш, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини тубдан яхшилаш ва уни халқаро стандартларга мослаштиришга эътибор берилиб, мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. «Аҳолига малакали тез тиббий ёрдам кўрсатиш, тиббий ёрдам сифатини ошириш, тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, касалликларни барвақт аниқлаш, уларни масофадан профилактика қилиш, соғлиқни сақлаш тизимини малакали кадрлар билан таъминлаш ва уларнинг салоҳиятини ошириш, тиббиёт ходимларининг касбий хатосини аниқлашнинг таъсирчан тизимини жорий этиш»<sup>3</sup> ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган. Шу боис ушбу соҳани тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар соғлиғини сақлаш

<sup>1</sup> <https://www.who.int/ru>

<sup>2</sup> <https://vawilon.ru/statistika-vrachebnyh-oshibok/#mirovaya-statistika>

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

тўғрисида»ги (1996), «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги (2016) қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3723-сон «Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва соҳага оид бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Мамлакатимизда касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик учун жиноий жавобгарлик ва унинг кримнологик масалалари мустақил тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган. Унинг айрим жиҳатлари мамлакатимиз олимларидан Қ.Р.Абдурасулова, З.С.Зарипов, Р.Кабулов, М.М.Кадиров, М.Ҳ.Рустамбаев, Ф.Тахиров, Э.О.Турғунбоев, Л.Н.Урумбаева ва бошқаларнинг илмий ишларида муайян даражада кўриб чиқилган.

Хорижий мамлакатларда Fawzi Benomran, Andrew Scanlon, Maria Murphy ва бошқалар асарларида касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармасликда ифодаланадиган жиноятчилик тадқиқ этилган.

Турли йилларда ушбу муаммога оид тадқиқотлар МДХ давлатлари олимлари С.С.Андрюшин, Ю.А.Власев, В.А.Глушков, С.В.Ерофеев, Г.Г.Карагезян, К.Лютов, Н.Манчев, Г.Р.Рустемова, И.Н.Сазонов, Ю.Д.Сергеев, И.В.Серёгин, Э.Сидоренко, С.А.Химченко илмий ишларида касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик жиноятининг айрим жиҳатлари<sup>1</sup> тадқиқ этилган.

Бироқ юқорида номлари келтирилган олимларнинг илмий ишлари масаланинг умумий жиҳатларига бағишланган бўлиб, касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармасликнинг жиноят-ҳуқуқий ва кримнологик жиҳатларига оид қонун нормалари самарадорлигини ошириш монографик тадқиқот сифатида ўрганилмаган. Шу сабабли мазкур масалани комплекс тадқиқ этиш долзарб аҳамиятга эга.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация мавзуси Тошкент давлат юридик университетининг «Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишнинг инновацион усул ва воситалари» илмий-амалий гранти ва устувор илмий йўналишларига мувофиқ бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик жинояти таркибини юридик таҳлил қилиш, ушбу жиноятларга

---

<sup>1</sup> Мазкур олимлар ишларининг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида кўрсатилган.

қарши курашишнинг мавжуд ҳолатини ўрганиш ҳамда жиноий фаолиятнинг мазкур турига қарши кураш самарадорлигини оширишда жиноят-ҳуқуқий нормаларни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик жинояти тушунчаси, унинг ҳуқуқий белгиларини илмий-назарий таҳлил қилиш;

касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаганлик учун жавобгарлик белгиланган жиноят қонуни нормаларининг ривожланиш тарихини ўрганиш;

айрим хорижий давлатлар жиноят қонунларида касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик учун жиноий жавобгарлик масалаларини тадқиқ этиш;

касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармасликнинг объектив ва субъектив белгиларини илмий-назарий жиҳатдан ёритиш;

жазони оғирлаштирувчи ҳолатларда касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармасликнинг умумий тавсифини очиқ бериш;

касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармасликни квалификация қилиш ва айрим ўхшаш жиноятлардан фарқлаш масалалари таҳлил қилиш;

касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик жиноятининг келиб чиқиш сабаблари ва унга имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш;

касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик жиноятининг олдини олиш чораларини ишлаб чиқиш;

амалдаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, қонунни қўллаш амалиётини яхшилаш юзасидан асосланган таклиф ва тавсиялар тайёрлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг объекти** шахснинг ўз касбига бепарволиги ёки инсофсиз муносабатда бўлиши туфайли касб юзасидан ўз вазифаларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар тизими ҳисобланади.

**Тадқиқот предмети** шахснинг касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслиги билан боғлиқ бўлган илмий ва амалий муаммоларнинг назарий таҳлили, Ўзбекистон Республикаси ва хорижий мамлакатларнинг касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик ва бошқа ўхшаш қилмишлар учун жавобгарлик белгиланган жиноят қонуни нормалари, ўрганилаётган муаммога доир илмий ишлар, шунингдек, кўрсатилган тоифадаги ишлар бўйича суд-тергов амалиётидан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот ишини ёзишда умумий илмий услублар: функционал ёндашув, мантиқийлик, тизимлилик, тарихий, қиёсий-ҳуқуқий, статистик, социологик сўровлар ўтказиш каби методлардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

тиббий ёрдам кўрсатиши керак бўлган шахс томонидан тиббий

муассасаларда ҳаёти ёки соғлиғи учун хавfli ҳолатда бўлган шахсга шошилиш ва (ёки) кечиктириб бўлмайдиган ёрдам кўрсатишни асоссиз равишда рад этганлик учун жавобгарлик белгилаш зарурлиги асосланган;

ички ишлар органлари ходимлари томонидан хизмат вазифаларини бажариш жараёнида жисмоний куч ишлатиш, махсус воситаларни ва ўқ-отар қуролни қўллаш натижасида эҳтиётсизлик орқасидан етказилган зарарнинг қопланиши зарурлиги асослаб берилган;

хизмат вазифаларини лозим даражада бажариш учун махсус тайёргарликдан ўтказиш зарурлиги асослантирилган;

болаларнинг хавфсизлигини таъминлаш ишлари тиббий хизмат ва ички ишлар органлари ходимларининг биргаликдаги фаолиятига асосланиши зарурияти очиб берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик жинояти учун жавобгарликни дифференциация қилиш, тиббиёт ходимларининг касб юзасидан ўз вазифасини лозим даражада бажармаганлиги учун жавобгарликни аниқ белгилаш, шунингдек суд-тергов амалиётида келиб чиқиши мумкин бўлган турли тушунмовчиликларнинг олдини олиш мақсадида Жиноят кодексини 116<sup>1</sup>-модда (тиббиёт ходимларининг касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслиги) билан тўлдириш таклиф этилган;

шахснинг касб юзасидан ўз вазифаларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги оқибатида бошқа шахсга ОИВ касаллиги/ОИТСни юктирганлиги учун белгиланган жавобгарликни аниқлаштириш ҳамда Жиноят кодекси Махсус қисми моддалари ўртасидаги нормалар рақобатининг олдини олиш мақсадида шахснинг касб юзасидан ўз вазифасини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги натижасида бошқа шахсга ОИВ касаллиги/ОИТСни юктириши учун жавобгарликни Жиноят кодекси 116-моддаси ва янги таҳрирда таклиф этилаётган 116<sup>1</sup>-модда (тиббиёт ходимларининг касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслиги)га алоҳида банд сифатида киритиш зарурияти асослантирилган;

касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик жинояти учун жавобгарлик белгиланган Жиноят кодекси 116-моддасини янги таҳрирда қабул қилиш зарурияти асослантирилган;

Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунини такомиллаштириш, айнан касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармасликка оид жиноят-ҳуқуқий нормаларни тўғри қўллаш ҳамда бу турдаги жиноятларни олдини олиш ва профилактика қилишга доир тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончилиги ишда қўлланилган усуллар, унинг доирасида фойдаланилган назарий ёндашувлар расмий манбалардан олингани, халқаро тажриба ва миллий қонун ҳужжатларининг ўзаро таҳлил қилингани, ўтказилган ижтимоий сўровноманинг анкета ва эксперт сўрови шаклларига асослангани, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот

натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, ундаги илмий-назарий хулосалар, таклиф ва тавсиялардан келгуси илмий фаолиятда, қонун ижодкорлигида, қонунни қўллаш амалиётида, жинойт қонун ҳужжатларининг тегишли нормаларини шарҳлашда, миллий қонунчиликни такомиллаштириш ҳамда жинойт ҳуқуқи, криминология фанларини илмий-назарий жиҳатдан бойитишга хизмат қилади. Тадқиқот натижаларидан янги илмий тадқиқотлар олиб боришда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, олинган натижалар қонун ижодкорлиги фаолиятида, хусусан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тайёрлаш ҳамда уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш жараёнида, қонунни қўллаш амалиётини такомиллаштиришда ҳамда олий юридик таълим муассасаларида жинойт ҳуқуқи ва криминология фанларини ўқитишга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик: жинойт-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ҳаёти ёки соғлиғи учун хавфли ҳолатда бўлган шахсга тиббиёт ташкилотларида қонунга ёки махсус қоидаларга мувофиқ шошилиш ва (ёки) кечиктириб бўлмайдиган тиббий ёрдам кўрсатиши керак бўлган шахс томонидан шундай ёрдам кўрсатишни асоссиз равишда рад этиш бўйича таклифларидан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 59<sup>1</sup>-моддасида фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитасининг 2019 йил 30 августдаги 06/1413-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифларнинг инобатга олиниши шошилиш ва (ёки) кечиктириб бўлмайдиган тиббий ёрдам кўрсатиши керак бўлган шахс томонидан шундай ёрдам кўрсатишни асоссиз равишда рад этиш учун маъмурий жавобгарлик белгиланишига хизмат қилган;

ички ишлар органлари ходимлари томонидан хизмат вазифаларини бажариш жараёнида жисмоний куч ишлатиш, махсус воситаларни ва ўқ-отар қуролни қўллаш аниқ мезонларга асосланиши, эҳтиётсизлик орқасидан етказилган зарарни қопланиши лозимлиги тўғрисидаги таклифларидан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2017 йил 15 мартдаги «Ички ишлар органлари ходимлари томонидан жисмоний куч ишлатиш, махсус воситаларни ва ўқ-отар қуролни қўллаш тартиби тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида»ги 55-сон буйруғини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ички ишлар вазирлигининг 2019 йил 14 мартдаги 33/682-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифларнинг инобатга олиниши зарар етказилган шахсларнинг ҳуқуқлари тикланишига хизмат қилган;

хизмат вазифаларини лозим даражада бажариш учун махсус тайёргарликдан ўтказиб бориш бўйича талабларни белгилаш тўғрисидаги таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2017 йил 7 июндаги «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари ходимларининг махсус тайёргарлигига қўйиладиган талабларни тасдиқлаш тўғрисида»ги 95-сон буйруғини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ички ишлар вазирлигининг

2019 йил 14 мартдаги 33/682-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифларнинг инобатга олиниши ички ишлар органларининг махсус тайёргарликдан ўтиш самарадорлигини ошириш эвазига касб вазифаларини лозим даражада бажарилишини таъминлашга хизмат қилган;

болаларнинг хавфсизлигини таъминлаш бўйича тиббий хизмат ва ички ишлар органлари ходимлари масъулиятини белгилаш бўйича таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2017 йил 18 майдаги «Оромгоҳларда хавфсизликни таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш борасида амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар тўғрисида»ги 77-сон буйруғини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ички ишлар вазирлигининг 2019 йил 14 мартдаги 33/682-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифларнинг инобатга олиниши болаларнинг хавфсизлигини таъминлашда тиббий хизмат ва ички ишлар органлари ходимларининг масъулияти мустаҳкамланишининг ҳуқуқий асосини яратишга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 6 та илмий анжуманда, жумладан, 3 та халқаро, 3 та Республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича 18 та илмий иш, жумладан, 1 та монография, 1 та ўқув қўлланма, 10 та илмий мақола (2 таси хорижий журналларда) чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 156 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириши** (докторлик диссертацияси аннотацияси)да тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилиниши, тадқиқот натижаларининг апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги ва диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритиб берилган.

Диссертациянинг **«Касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик учун жиний жавобгарликнинг умумий тавсифи ва айрим хорижий давлатлар жиноят қонунларида жиний жавобгарлик масалалари»** деб номланган биринчи бобида касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик жинояти тушунчаси ва унинг ҳуқуқий белгилари таҳлил қилинган, унинг ижтимоий хавfli қилмиш сифатида тақиқланишига доир назарий-ҳуқуқий қарашлар ўрганилган.

Ишда касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик жиноятига оид асосий тушунчалар мазмун-моҳияти очиб берилган. Жумладан, «касб», «вазифа», «мажбурият», «бурч» тушунчалари илмий-назарий таҳлил қилинган. Шунингдек, касбий вазифа ва мажбурият тушунчалари ҳам ўзаро фарқланган.

Диссертантнинг фикрича, касбий мажбурият қоида тариқасида фуқаролик-ҳуқуқий шартнома, келишув асосида вужудга келади; касб вазифаси эса, шахснинг аниқ касбий фаолияти доирасида меҳнат шартномаси асосида келиб чиқади. Яъни, муайян иш шахсга фуқаролик-ҳуқуқий шартнома асосида юкланган бўлиб, унинг ўз ишини лозим даражада бажармаслиги натижасида ЖК 116-моддасида кўзда тутилган оқибатлар келиб чиқса, бунда мажбурият бузилган бўлади. Жумладан, боғча тарбиячиси Ўзбекистон Республикаси ЖК 116-моддасида кўзда тутилган жиноят субъекти бўлган тақдирда, у ўз касб вазифасини лозим даражада бажармаган, худди шундай вазиятда энага (фуқаровий-ҳуқуқий тартибда болага қараш учун ёлланган шахс) ўз касбий мажбуриятларини лозим даражада бажармаганлиги натижасида қонунда назарда тутилган оқибат рўй берса, юқоридаги модда асосида жавобгарлик юзага келиши асосланган.

Касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик жиноятининг ижтимоий хавфлилиги айбдорнинг ўз касбига, унга юклатилган касб мажбуриятларига нисбатан масъулиятсизлик, эҳтиётсизлик билан ёндашиши натижасида шахс, жамият ва давлат манфаатларига путур етишида намоён бўлади.

Диссертацияда касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармасликнинг айнан тиббиёт ходимлари томонидан содир этилишининг турли жиҳатлари атрофлича ўрганилган. Бу, аввало, суд-тергов амалиётида ҳам ушбу жиноят айниқса тиббиёт ходимлари томонидан кўп содир этилиши билан изоҳланади. Чунончи, ЖК 116-моддаси бўйича республика судларида кўрилган 200 та жиноят иши материаллари ўрганилганда, ушбу жиноят асосан тиббиёт ходимлари (94%) томонидан содир этилганлиги кўрсатилган. Шу билан бир қаторда ушбу жиноят ишлари материаллари таҳлили мазкур жиноят кўпроқ оилавий поликлиника мудирлари, бош шифокор, бош шифокор муовини, реанимация бўлими мудирлари, туғруқ комплекси мудирлари, гинекология бўлими мудирлари, акушер-гинеколог, реанимация бўлими шифокори, анестезиолог-реаниматолог, хусусий шифохона мудирлари, хусусий шифохона гинеколог шифокори, умумий амалиёт шифокори, навбатчи шифокор, жарроҳ томонидан содир этилганлиги аниқланган.

Диссертацияда муайян соҳа вакиллариининг ўз касби билан боғлиқ ҳолдаги жиноий жавобгарлигининг хусусиятлари уларнинг субъект сифатидаги алоҳида мақоми билан боғлиқ ва улар касбий фаолиятининг ижтимоий моҳияти билан белгиланади. Ходимлар касбий фаолиятининг ижтимоий мазмун ва моҳияти фуқароларга маълум бир хизмат турларини кўрсатиш, уларни бошқариш ва унинг кўрсатилиши устидан назоратни амалга оширишдан иборатдир. Муайян соҳа ходимлари фаолиятининг асосий мақсади фаолият туридан келиб чиққан ҳолда инсон ҳаётини сақлаш, унинг соғлиғи ҳолатини

яхшилаш, шахс дахлсизлигини ва хавфсизлигини таъминлаш кабилардан иборат экан, касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармасликда ифодаланувчи қилмишнинг жиноийлиги шахс ҳаёти, соғлиғи, дахлсизлигига зиён етказиш билан боғлиқ эканлиги табиий бир ҳолдир.

Тадқиқот ишида касб юзасидан ўз вазифаларини бажармаслиги ёки лозим даражада бажармаслиги тушунчасига қуйидагича таъриф ишлаб чиқилган: Айбдорнинг касб юзасидан ўз вазифаларини бажармаслиги ёки лозим даражада бажармаслиги, деганда, шахснинг унга касб юзасидан ўз вазифаларини бажараётганида совуққонлиги ёки виждонсизларча муносабати туфайли расмий талаблар, қонун-қоидаларга тўлиқ ёки қисман мувофиқ келмайдиган хатти-ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги тушунилади.

Диссертацияда касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик жиноятига қарши курашнинг жиноят-ҳуқуқий чораларини такомиллаштириш нуқтаи назаридан бу борадаги айрим хорижий давлатлар жиноят қонун нормаларини ўрганиш муҳим аҳамият эгаллиги, хорижий мамлакатлар жиноят қонунларида касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик учун жиноий жавобгарлик белгиланган нормалар тузилиши ранг-баранглиги билан тавсифланиши асосланган. МДҲга аъзо мамлакатлар – Арманистон, Беларусь Республикаси, Россия Федерацияси, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон, Озарбайжон, Грузия, Молдова, Эстония ва Украина Республикаси, шунингдек АҚШ, Корея, Венесуэла, Болгария, Франция, Англия ҳамда Германия давлатлари Жиноят кодексларининг таҳлили уларда ҳам тиббиёт ходимлари касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармасликлари учун жавобгарлик назарда тутилганлигини кўрсатади.

Ишда айрим давлатлар (Россия Федерацияси) жиноят қонунида касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик хавф остида қолдириш жиноятида оғирлаштирувчи ҳолат сифатида бириктирилган бўлса, бошқа давлатларда (Беларусь Республикаси) аксинча ушбу жиноят бир неча модда доирасида баён этилганлиги таҳлил этилган. Хорижий мамлакатлар ЖКнинг касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик билан боғлиқ моддаларни мамлакатимиз қонун нормалари билан қиёсий таққослаш қуйидаги ҳулосаларга келиш имконини берган:

биринчидан, хорижий мамлакатлар ЖКда касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик фақат муайян тоифага кирувчи касб вакиллари (тиббиёт, фармацевтика ходимлари ёхуд кема капитанлари) томонидан содир этилиши аниқ белгиланган. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида эса қонун ёки махсус қоидаларга мувофиқ касалга ёрдам кўрсатиши шарт бўлган шахснинг узрли сабабсиз шундай ёрдам кўрсатмаганлиги ЖК 116-моддасининг оғирлаштирувчи ҳолати сифатида назарда тутилган. Қолган субъектлар қилмиши эса, умумий тартибда 116-модда биринчи қисми билан квалификация қилинади. Бу жиҳатдан Ўзбекистон қонунчилиги қайишқоқ ва аниқ бўлиб, турли бўшлиқлар юзага келишига йўл қўймаслиги билан ҳам афзалдир;

иккинчидан, хорижий мамлакатларнинг жиноят қонунида касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармасликнинг вояга етмаганларга

нисбатан содир этилиши кўзда тутилган бўлиб, ушбу ижобий тажрибадан бизнинг мамлакатимизда ҳам фойдаланиб, вояга етмаганлар ҳуқуқларини муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш зарур. Шу мақсадда, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг иккинчи қисмида оғирлаштирувчи ҳолат сифатида шундай қилмишнинг вояга етмаган шахсга нисбатан содир этилишини кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқ;

учинчидан, хорижий мамлакатлар ЖКда касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик учун ҳақли равишда муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тариқасидаги қўшимча жазоларнинг қўлланилиши назарда тутилган. Ўзбекистон Республикаси ЖК 116-моддасида эса, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш фақатгина асосий жазо сифатида белгиланган. Бизнингча, ушбу жиноятлар учун жазо қўллаш таъсирчанлиги ва самарадорлигини ошириш мақсадида хорижий мамлакатлар жиноят қонунларида ушбу норма узок вақтдан буён самарали амал қилиб келаётганлигини инобатга олган ҳолда амалдаги ЖК 116-моддасига ҳам муайян ҳуқуқдан маҳрум қилишни нафақат асосий жазо, балки қўшимча жазо сифатида ҳам мустаҳкамланиши зарур. Сабаби, ушбу жиноятнинг субъекти махсус бўлиб, фуқароларнинг ўз касбларига нисбатан бепарволиги, инсофсизлик билан муносабатда бўлиши туфайли келиб чиқишини ҳисобга олиб, бундай қўшимча жазо жиноятчини ахлоқан тузатишга хизмат қилиши табиий, деган хулосага келинган;

тўртинчидан, хорижий мамлакатлар ЖКда касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик билан боғлиқ моддалар диспозицияси таҳлили уларда мазкур қилмиш баданга ўртача оғир ва оғир шикаст етказилишига сабаб бўлиши алоҳида-алоҳида қисмларда мустаҳкамланганлигини кўрсатмоқда. Амалдаги Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигида эса, баданга ўртача оғир ва оғир шикаст етказилишига сабаб бўлиши бир қисмда баён этилган. Ҳолбуки, баданга ўртача оғир ва оғир шикаст етказилиши ўз хусусиятларига кўра бир-биридан тубдан фарқ қилади. Шунини ҳисобга олган ҳолда баданга оғир шикаст етказилишини ЖК 116-моддасига жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат сифатида киритилиши асослантирилган.

Тадқиқот ишида ушбу жиноят учун жавобгарлик белгиланган жиноят қонунини нормаларининг ривожланиш тарихи ўрганилганда, илгари қонунларда фақатгина айрим касб вазифалари (тиббиёт ходими, денгиз ёки дарё кемаси капитани ва б.қ.) лозим даражада бажарилмаганлик учун жиноий жавобгарлик алоҳида моддаларида кўзда тутилган. Мустақилликдан кейин қабул қилинган жиноят қонунини бу борадаги тарихий тажриба ҳисобга олинган ҳолда касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган алоҳида ўзига хос хусусиятларга эга бўлган универсал норма ишлаб чиқилган. Бу, ўз навбатида, барча касб эгаларининг ўз вазифасини лозим даражада бажармаганликлари натижасида муайян оқибат рўй берса, жиноий жавобгарликка тортилишлари мумкин ва жиноят қонунини аналогияга йўл қўйилмаслиги муҳим аҳамият касб этиши асослантирилган.

**Диссертациянинг «Касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармасликнинг юридик таҳлили ва жавобгарликни оғирлаштирувчи**

**ҳолатлари»** деб номланган иккинчи бобида касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик жинойтининг объекти, объектив томони, субъекти, субъектив томони, жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар, уни айрим ўхшаш жинойтлардан фарқлаш ва квалификация қилиш масалалари атрофлича таҳлил қилинган.

Амалдаги жинойт қонунини ўрганиш зиммасига муайян вазифалар юклатилган ходимларнинг ҳаёт ва соғлиққа ижтимоий хавfli тажовузлари билан боғлиқ жиддий муаммолар мавжудлигини кўрсатди. Айни ҳол ижтимоий муносабатлар ранг-баранглигини, илмий-техника тараққиётини, халқаро ва миллий қонунчилик ҳамда хорижий мамлакатлар тажрибасини эътиборга олган ҳолда жинойт қонуни нормаларини такомиллаштириш зарурлигидан далолат беради. Ўзбекистон Республикаси ЖК 116-моддасининг жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларида айнан жинойт объектига нисбатан оғирлаштирувчи ҳолатларнинг етарлича инобатга олинмаганлиги асосланган. Хусусан, ушбу моддада вояга етмаган, ҳомиладор аёл, икки ёки ундан ортиқ шахслар алоҳида жинойт-ҳуқуқий муҳофазага олинмаган. Шу муносабат билан тадқиқотчи томонидан жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар рўйхатини кенгайтириш таклифи ишлаб чиқилган.

Диссертацияда ҳаракатсизликнинг жинойт-ҳуқуқий аҳамиятини аниқлаш учун унинг қуйидаги белгилари: 1) ҳаракатсизлик нималарда ифодаланган, айбдорнинг айнан қандай ҳаракатларни бажармаганлиги; 2) шахс айнан қандай ҳаракатларни бажармаганлиги; 3) бажарилиши лозим бўлган аниқ ҳаракатни бажариш имкониятлари аниқланиши керак.

Ишда ҳаракатнинг муайян шаклини бажариш мажбурияти вужудга келиши келтирилган:

1) шундай ҳаракатни бажариш тўғридан тўғри қонунда белгиланган бўлса, масалан, транспорт воситасини бошқараётган шахснинг йўл ҳаракати хавфсизлигига ёки транспорт воситасидан фойдаланиш қоидаларига риоя қилишга мажбурлиги;

2) шартнома бўйича юклатилган мажбуриятларни бажаришга мажбурлиги;

3) шахснинг мансаб ваколати ёки касб вазифаси туфайли бажариши шарт бўлган мажбуриятлари;

4) оилавий муносабатлар туфайли бажарилиши шарт бўлган мажбуриятлар;

5) шахснинг ўз ҳаракатлари туфайли келиб чиқадиган мажбуриятлар. Масалан, транспорт воситасини бошқаришни ёки сузишни ўргатаётган шахснинг, болага қараб туриш топширилган шахснинг мажбурияти ёки оғир касалга, ожиз аҳволдаги шахсларга қараб туриш мажбурияти юклатилган шахсларнинг мажбуриятлари. Ана шу мажбуриятларни бажармаслик ҳаракатсизликдан қилинадиган қилмишлар ҳисобланади. Бундай ҳолдаги ҳаракатсизликни ижтимоий хавfli қилмиш деб ҳисоблаш учун, аввало, шахснинг муайян тартибда ҳаракат қилишининг зарурлиги ва ўша ҳаракатларни бажаришга имкониятларининг мавжудлиги аниқланиши кераклиги асосланган.

Диссертацияда касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада

бажармаслик жинояти объектив томондан ҳаракатсизлик натижасида содир этилиши ва жиноий-ҳуқуқий нуқтаи назаридан олиб қаралганда, моддий таркибли жиноят эканлиги ҳулоса қилинган.

Диссертацияда касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик жиноятининг ўзига хослиги, бунда муайян шахсга ёрдам кўрсатиш шахсининг касбий мажбурияти ҳисобланиши асосланган.

Тадқиқотчи томонидан касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармасликнинг объектив томонига қуйидагилар киритилган:

биринчидан, субъектнинг ҳаракатсизлиги ёки лозим даражада ҳаракат қилмаслиги;

иккинчидан, касб вазифалари юзасидан жабрланувчига ёрдам кўрсатишга мажбур эканлиги;

учинчидан, қилмиш натижасида жиноят қонунида кўзда тутилган муайян оқибатнинг келиб чиқиши лозимлиги киради.

Тадқиқотчи жиноят қонунида касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармасликнинг субъекти тўғрисида аниқ кўрсатма, яъни ушбу жиноят қайси соҳа вакиллари томонидан содир этилиши кўрсатилмаганлиги тўғрисидаги фикрни илгари суради. Бу ўз навбатида мазкур моддани касб мажбуриятларини лозим даражада бажармаган ҳар қандай субъектга (тиббиёт ходими, электр ходими, спорт мураббийи, ёнғин хавфсизлиги ходими, боғча тарбиячиси, авиация соҳасининг мансабдор бўлмаган ходимлари, ошпазлар, сартарошлар, газ таъминоти ходими ва б.к.) нисбатан қўллаш имконини беради, деган фикрни тадқиқотчи илгари сурган.

Тадқиқотчи фикрича, амалиётда мазкур модда кўпроқ тиббиёт ходимларига қўлланилмоқда. Ушбу муаммони ўрганиш мақсадида 400 нафар суд-тергов ходимлари ўртасида ўтказилган ижтимоий сўров натижаларига кўра «ЖК 116-моддасига оид тергов қилинаётган жиноятлар бўйича жиноят субъекти сифатида асосан қайси касб вакиллари жалб қилинган?» деган саволга, сўровда иштирок этганларнинг 89 %и «тиббиёт ходимлари», деб, қолганлари газ таъминоти ходимлари, электр ходимлари, спорт мураббийлари, сартарошлар, ошпазлар, деб жавоб берилган.

Тадқиқотчи фикрича, амалдаги ЖК 116-моддасида жавобгарликни оғирлаштирувчи белгилари етарли даражада кўрсатилмаган. Масалан, ушбу жиноят вояга етмаган шахсга ёхуд икки ёки ундан ортиқ шахсларга нисбатан содир этилганда қилмишнинг ижтимоий хавфлилиқ даражаси янада ошишини таъкидлаган. Диссертацияда қайд этилишича, ушбу жиноят жабрланувчилари ўрганилганда, мазкур жиноят тиббиёт ходимлари томонидан аксарият ҳолларда вояга етмаганларга, чақалокларга (46 %), шунингдек, бир вақтнинг ўзида бир неча фуқарога нисбатан содир этилганлиги аниқланган.

Диссертант фикрича, ЖК 113-моддасининг бешинчи қисмида шахсининг касб юзасидан ўз вазифаларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги оқибатида бошқа шахсга ОИВ касаллиги/ОИТСни юқтириши учун жиноий жавобгарлик белгиланиши, бир неча сабабларга кўра бундай ўзгартиришнинг киритилганлигини мақсадга мувофиқ эмас.

Биринчидан, аввало, ЖК 113-моддаси жиноятнинг қасдан содир

этилишини кўзда тутса, касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик ҳар доим эҳтиётсизлик орқасидан содир этилади. Бу, ўз навбатида, ушбу модда бўйича қилмиш субъектив томонини баҳолашда чалкашликларни келтириб чиқаради. Бошқача айтганда, ЖК 113-моддаси барча қисмларида қасддан содир этиладиган жиноятлар тўғрисида сўз борсада, унинг бешинчи оғирлаштирувчи қисмида эҳтиётсизлик орқасидан қилмишни содир этганлик учун жавобгарлик белгиланганлиги, бу мантиққа зид эканлиги асосланган.

Иккинчидан, касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик махсус субъект томонидан содир қилинади. Бунинг учун жавобгарлик ЖК 116-моддасида назарда тутилган.

Учинчидан, қонунга бундай мазмундаги қўшимчанинг киритилиши назарий ва амалий баҳс-мунозараларга сабаб бўлиши табиий. Суд-тергов амалиётида бу борадаги жиноятларни квалификация қилишда чалкашликлар бир қилмишни бир неча моддалар билан жиноятлар жами сифатида нотўғри квалификация қилиниши натижасида жиноят қонуни принциплари бузилади. Мазкур муаммони бартараф этиш мақсадида ЖК 113-моддаси бешинчи қисмини чиқариш ташлаш мақсадга мувофиқ бўлади, чунки бундай ҳолатларда яъни шахснинг касб юзасидан ўз вазифаларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги оқибатида бошқа шахсга ОИВ касаллиги/ОИТСни юқтиришида қилмиш бевосита ЖК 116-моддаси тегишли қисми таъсир доирасига тушади.

Тадқиқотчи фикрича, янги таҳрирдаги ЖК 116-моддаси 2-қисми «б» банди сифатида «шахснинг касб юзасидан ўз вазифасини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги оқибатида бошқа шахсга ОИВ касаллиги/ОИТСни юқтириши» ҳамда 3-қисми «б» банди сифатида «шахснинг касб юзасидан ўз вазифасини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги оқибатида икки ёки ундан ортиқ шахсга ОИВ касаллиги/ОИТСни юқтириши» деб берилиши мақсадга мувофиқ бўлишини, қонун нормасининг мазкур таҳрирда ўзгартиш ва қўшимчанинг киритилиши юқоридаги каби салбий ҳолатларнинг олдини олишга хизмат қилади, деб хулосага келган.

Диссертациянинг «**Касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик жиноятининг криминалогик тавсифи**» деб номланган учинчи бобида касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик жиноятининг келиб чиқиш сабаблари, ва ушбу жиноятининг олдини олиш чоралари атрофлича таҳлил қилинган.

Касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик жиноятининг шарт-шароитлари сифатида юқори турувчи органлар томонидан назоратнинг суствлиги, жазонинг муқаррарлиги лозим даражада таъминланмаслиги, ходимларнинг ўзаро айбини яшириши ва ш.к.ларни киритишимиз мумкин. Шунингдек, амалдаги қонунчиликдаги айрим камчиликлар, баъзи ижтимоий муносабатларнинг ҳуқуқий жиҳатдан етарли даражада тартибга солилмаганлиги ҳам касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик жиноятининг содир этилишига туртки бўлмоқда.

Касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик

жиноятининг содир этилишининг асосий сабаб ва шарт-шароитларидан бири сифатида ҳуқуқий билимнинг етишмаслиги, ҳуқуқий онг ва саводхонлик даражасининг пастлиги ҳам алоҳида кўрсатилган.

Диссертацияда Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 22 октябрдаги ЎРҚ–503-сонли «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни асосида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси ҳаёти ёки соғлиғи учун хавfli ҳолатда бўлган шахсга тиббиёт ташкилотларида қонунга ёки махсус қоидаларга мувофиқ шошилиш ва (ёки) кечиктириб бўлмайдиган тиббий ёрдам кўрсатиши керак бўлган шахс томонидан шундай ёрдам кўрсатишни асоссиз равишда рад этиш учун маъмурий жавобгарликни назарда тутувчи 59<sup>1</sup>-модда билан тўлдирилиши муҳим профилактик аҳамиятга эгаллиги асосланган.

Тадқиқотчи хулосасига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 116-моддаси бўйича республика судларида кўрилган 200 та жиноят иши материаллари ўрганилганда, ушбу жиноят субъекти сифатида асосан тиббиёт ходимлари (94%), айрим ҳолларда (6%) эса бошқа касб вакиллари (спорт ўқитувчиси, электр тармоғи ва ҳоказо) кабилар жиний жавобгарликка тортилганлиги, касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик жинояти аксарият ҳолларда тиббиёт ходимлари томонидан содир қилиниб, бошқа касб вакиллариининг мазкур қилмишни содир қилганлик ҳолатлари камдан-кам кузатилиши таъкидланган.

Тадқиқотчи томонидан ушбу ҳолатлар инобатга олиниб, амалдаги Жиноят кодексига янги 116<sup>1</sup>-модда, яъни, «Тиббиёт ходимларининг касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслиги» номли алоҳида модда билан тўлдириш таклифи асослантирилган.

Тадқиқот ишида касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик муаммосини ҳар томонлама тартибга солиш ва келгуси фаолиятда бундай хатоларга йўл қўйилишининг олдини олиш учун ходим:

биринчидан, ўз касби хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ўз фаолияти ва унинг натижаларини тўлақонли ҳужжатлаштириши;

иккинчидан, у ўз фаолиятининг барча босқичларида белгиланган ва зарурий тартиб-таомилларни ўз вақтида тўғри бажарганлигини исботлаш учун ўз фаолиятида мажбурий бўлган ички талабларга қатъий риоя этиши;

учинчидан, касбининг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ўз фаолияти ва унинг натижалари тўғрисида шахсга тўлиқ ахборот бериб бориши лозим, деган хулосалар берилган.

Касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик жиноятининг олдини олиш бўйича умумий чора-тадбирлар сифатида қуйидагилар кўрсатиб ўтилган:

биринчидан, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш;

иккинчидан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг юқорида зикр этилган жиноятларга қарши курашиш ҳақида оммавий ахборот воситалари орқали янада фаол ахборот бериш;

учинчидан, мазкур соҳадаги илмий тадқиқотларни фаоллаштириш;

тўртинчидан, фуқароларга шундай жиноят содир этилган тақдирда

тегишли тармоқда назоратни амалга оширувчи давлат органларига мурожаат этиш ҳуқуқларини кўрсатиб беришда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш;

бешинчидан, тегишли касб соҳалари ўртасида уларнинг касбий малака ва маҳоратини ошириб боришга қаратилган семинар-тренинг ва давра суҳбатлари ташкил этиш.

Тадқиқотчи томонидан, касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик жиноятининг олдини олиш бўйича қуйидаги махсус чоратadbирларни таклиф қилинган:

биринчидан, касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик билан боғлиқ жиноятларга барҳам беришга оид жиноят-ҳуқуқий ва процессуал нормаларни тегишли равишда қайта кўриб чиқиш;

иккинчидан, касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик жиноятига қарши курашнинг маъмурий-ҳуқуқий механизмларини, шу жумладан назоратни кучайтириш;

